КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

Тоштемиров Тўлқин Тоиржонович
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мустақил изланувчиси, ORCID: 0009-0001-2983-2017
Тошкент, Ўзбекистон

Қабул қилинди: 18.01.2026
Кўриб чиқилди: 18.01.2026
Тасдиқланди: 19.01.2026

Калит сўзлар:
кичик тадбиркорлик субъектлар, солиқ сиёсати, солиқ, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзи, солиқ ҳисоботи

Аннотация. Тезисда кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш масалалари, улар билан боғлиқ муаммолар, тадбиркорлик фаолиятига ижобий ва салбий таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, солиққа тортишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Ключевые слова:
субъекты малого предпринимательства, налоговая политика, налог, налоговая база, налоговая ставка, налоговая льгота, налоговая отчетность.

Аннотация. В тезисе проанализированы вопросы налогообложения субъектов малого предпринимательства, связанные с ними проблемы, положительное и отрицательное влияние на предпринимательскую деятельность. Также разработаны предложения по финансовой поддержке субъектов малого предпринимательства, совершенствованию налогообложения.

Keywords:
small business entities, tax policy, tax, tax base, tax rate, tax benefit, tax reporting.

Abstract. The thesis analyzes the issues of taxation of small business entities, problems related to them, and their positive and negative impact on entrepreneurial activity. Also, proposals have been developed for financial support of small business entities and improvement of taxation.

Кириш. Кичик тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун асосан миллий иқтисодиётга мос келувчи қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, институционал муҳитни яхшилаш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш, уларга инфратузилма ва хизматлар экотизимини ривожлантириш зарур.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш соҳасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, улар фаолият юритишлари учун қулай инвестицион муҳит яратиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш борасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, солиқ органлари фаолияти ва тадбиркорлик фаолиятини рақамлаштириш орқали уларни солиқ маъмурчилиги соддалаштирилмоқда.

Албатта бу ўз натижасини бермоқда, 2025 йил 1 октябрь куни ҳолатига кичик тадбиркорлик субъектлари сони 479 мингтани ташкил этиб, уларни сони ҳар 1000 минг аҳолига нисбатан 32,1 бирликни ташкил этган.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқори улуши қишлоқ хўжалигида 96,9 фоизни, қурилишда 77,6 фоизни, хизматлар соҳасида 45,1 фоизни ва саноатда 26,4 фоизни ташкил қилди[1].

Асосий қисм. Энг асосийси, тадбиркорлик фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлар давом эттирилиб, 2026 йил 1 январдан асосий солиқ тулари бўйича солиқ ставкалари ўзгартирилмасдан қолмоқда.

Жумладан, фойда солиғи ставкаси 15 фоиз, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоиз, жисмоний шахслар учун даромад солиғи ставкаси 12 фоиз, ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиз (бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз), айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 4 фоиз, юридик шахслар учун мол-мулк солиғи ставкаси 1,5 фоиз миқдорида сақланиб қолмоқда.

Бу кичик тадиркорлик субъектларини солиқни режалаштиришда барқарор қарор қабул қилишларига, аниқ режа тузиш имкоятини бериб, солиқ тизимини самарадорлигини ошишига хизмат қилади ҳам солиқ юкини ошиб кетиш олди олинади.

Солиқ тушуми ва уни ялпи ички маҳсулотдаги улуши тўғрисида МАЪЛУМОТ[2]

млрд.сўм

№	Кўрсаткичлар	2020й.	2021й.	2022й.	2023й	2024й.
1.	ЯИМ	668 038,0	820 536,6	995573,1	1 192 162,5	1 454 391,7
2.	Бюджет даромадлари	132 938,0	164 799,0	202 043,0	231 720,7	274 424,0
3.	ЯИМдаги улуши	19,9%	20,1%	20,3%	19,2%	18,9%

[1] https://stat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/61445-2025#yanvar-sentabr

[2] Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Шунингдек, 2026 йил 1 январдан бошлаб айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилганлар 1 фоиз айланмадан солиқ тўлаши белгиланди ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган даромад солиғи ва даромади 100 миллион сўмгача бўлган ўзини ўзи банд қилганлар учун айланмадан солиқни тўлашдан озод этиш тартиби бекор қилинди.

Айланма солиғидан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғига ўтаётган кичик тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги имтиёзлар жорий этилди:

- бир йил давомида фойда солиғидан озод қилиш;

- олти ой давомида тўланиши лозим бўлган солиқ тўловларидан ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 3,5 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда бухгалтерия хизматлари қийматини чегириб ташлаш.

Шунингдек, 2026 йилдан бошлаб фойда солиғи учун мажбурий аванс тўловлари бўйича даромад чегарасини 10 миллиард сўмдан 20 миллиард сўмга оширилди.

Шу билан бирга, солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш механизмлари жорий этилмоқда.

- фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзлари асосий воситаларнинг тезлаштирилган амортизациясига уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга рухсатнома шаклида бериладиган тартиби;

- юридик шахс норезидентга дивидендлар тўлаганда фойда солиғи суммаси тўланган дивидендлардан илгари ушлаб қолинган фойда солиғи суммасига камайтирилиши;

- юридик шахслар томонидан мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича имтиёзлардан мақсадли кўрсаткичлар — айланма ва ходимлар сонидан келиб чиқиб фойдаланиш тартиби жорий этилмоқда.

Кичик бизнес учун ҳисоботларни соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигида енгилликлар назарда тутилмоқда. Бунда:

- мол-мулк солиғи, ер солиғи, фойда солиғи, ижтимоий солиқ, айланма солиғи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботларини шакллантириш солиқ органларига ўтказилади — тадбиркорлар энди бу ҳисоботларни ўзи тақдим этмайди;

- бир муддат ичида бир нечта ҳисобот тақдим этилмаса, ҳар бир ҳисобот учун алоҳида санкциялар ўрнига битта умумий жазо қўлланади;

- тадбиркорларга сайёр текширув учун молиявий жарималарни олти ой муддатда тенг улушларда тўлаш имконияти берилади;

- биринчи текшириш вақтида худди шундай ҳолат бўйича қайта камерал текшируви ўтказиш, шунингдек, солиқ аудити ўтказилган ёки ўтказилаётган даврда текширувдан олдинги таҳлил ўтказиш тақиқланади;

- экспорт операциялари, шу жумладан, миллий ва хорижий маркетплейслар орқали сотиш бўйича қўшилган қиймат солиғни қайтариш имконияти кенгайтирилмоқда;

- солиқ органлари солиқ тўловчининг солиқ қарзларини дебиторлари ҳисобидан ундириш имкониятига эга бўлади.

Хулоса. Шуни хулоса қилиш мумкинки, соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчиларга, айниқса якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ енгилликларини берилиши, умумбелгиланган солиқ тўловига ўтмасдан, "бизнесни бўлиниши"га олиб келиш хавфини оширади.

Шунингдек, солиқ қонунчилигидаги кўплаб ўзгаришлар, ноаниқликлар ва солиқ маъмурчилигидаги айрим ислоҳотлар кичик тадбиркорлик субъектларини фаолиятида хато қилишларига ва уларга нисбатан жарималар қўлланишига олиб келиши мумкин. Шу боис, солиқ органлари солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларга тизимли равишда шарҳ бериб боришлари керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
4. Фуқаролар учун бюджет нашри (2026 йил лойиҳаси).
5. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси расмий сайти (https://stat.uz/uz/).
6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий сайти (https://imv.uz).